

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020. Ped.02.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ШЕРМАНОВ ЭЛДОР УРАЛОВИЧ

**ЎСМИРЛАРДА ИСЛОҲОТЛАРГА ДАХЛДОРЛИК ФАЗИЛАТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Шерманов Элдор Уралович

Ўсмирларда ислохотларга дахлдорлик фазилатини ривожлантириш5

Шерманов Элдор Уралович

развитие у подростков качества прикосновенности к реформам.....21

Шерманов Элдор Уралович

development of the involvement of adoloscents in reforms.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publighed works.....41

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020. Ped.02.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ШЕРМАНОВ ЭЛДОР УРАЛОВИЧ

**ЎСМИРЛАРДА ИСЛОҲОТЛАРГА ДАХЛДОРЛИК ФАЗИЛАТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped284. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика Маънавият ва маърифат марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қуронов Муҳаммаджон

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Чориев Абдушукур Чориевич

педагогика фанлари доктори, профессор

Аскарлов Аббор Давлатмуродович

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (99866) 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (99866) 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____да тарқатилди.

(2020 йил «___» _____даги _____-рақамли реестр баённомаси)

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д.(PhD)

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тобора жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёнлари фуқаролик жамиятини шакллантириш, ўсиб келаётган авлодда ислохотларга дахлдорликни шакллантириш, уларни ижтимоий фаолликка, мафкуравий курашчанликка рағбатлантиришнинг илмий-педагогик ечимларини яратишни тақозо этмоқда. Шу боис ёшларни ўз мамлакатада бўлаётган ўзгариш, ҳаёт, ислохотларга нисбатан дахлдорлик фазилатини шакллантириш, турли таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиш, асл қадриятларни қадрлаш, миллий маданиятни “оммавий маданият”дан ажратиб олиш ва шу орқали инсон маънавияти ҳамда дунёқарашини шакллантиришни ижтимоий-педагогик таҳлил қилиб, илмий асослаш долзарб вазифага айланди.

Халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, БМТ Хавфсизлик Кенгаши, дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот ҳамда таълим муассасаларида олиб борилаётган тадқиқотларда дахлдорлик, огоҳлик, хушёрликни ошириш масалалари етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу масала бўйича бир неча ўнлаб халқаро тадқиқотлар маркази ва дунёнинг йирик илмий-тадқиқот институтлари томонидан мунтазам изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса ўсмирларнинг жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларга ижтимоий фаол муносабатда бўлиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича илмий педагогик изланишларнинг истиқболли йўналишларини амалга оширишнинг илмий ечимларини ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби устувор йўналишларни кенг тарғиб қилишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Натижада, ёшларимизни ён атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш бўйича ўсмирларда ислохотларга дахлдорлик фазилатини ривожлантириш бўйича назарий методик ишлар такомиллаштирилди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга таалуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дахлдорлик масаласи Шарқ мутафаккирлари Алишер Навоий, Абу Наср Форобий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирийларнинг асарлари ҳамда халқ оғзаки ижодида ўз аксини топган. Мавзунинг миллий ғоя назарияси, тарихи, маънавий-маърифий, фалсафий, социологик, сиёсий асослари ва унинг тарғиботи билан боғлиқ жиҳатлари Қ.Назаров, Н.Комилов, М.Қуронов, А.Очилдиев, С.Мамашокиров, М.Ортиқов, А.Холбеков, В.Каримова, А.Эркаев, С.Олимов, О.Базаров ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Педагог-психолог олимлар О.Мусурмонова, С.Нишонова, У.Маҳкамов, У.Иноят, М.Қуронов, Ш.Қурбонов, Э.Сеитхалилов, Х.Х.Ибрагимов, А.Рўзметов, О.Жамолдинова, С.Усмонов, Ш.А.Абдуллаева, Н.Шодиев, Ж.Тошматова, З.Хожагелдиева, З.Курбаниязова, Р.Арипова, Ш.Акрамова, А.Холмахматовнинг илмий тадқиқотларида ёшларни педагогик фикр тараққиётида комил инсон ғояси, ўқув юртларида таълим ва тарбия каби масалалар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган. Педагог олимлардан педагогика фанлари доктори профессор А.Р.Ходжабоев ва Х.Ф.Рашидовлар илмий тадқиқот ишларида Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими тарихи ва ривожланиш истиқболлари, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини

баҳолаш усуллари, муҳандис-педагогларнинг таълим-тарбиядаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан, Е.П.Сопёлкин, Л.Л.Рыбаковский, Ю.П.Кузнецов, Ю.В.Тихонравов, Е.П.Кожушко, Н.А.Нартов, И.Н.Панарин, О.Н.Урбанская ёшларнинг ғоявий дунёқарашини мафкуравий кураш жараёнида илмий педагогик жиҳатдан ўрганганлар. Шунингдек, Е.П.Кожушко, М.Земска, В.Крисько Ф.Ратцеллар томонидан ёшларни маънавий-мафкуравий тарбиялашнинг айрим жиҳатлари очиб берилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика Маънавият ва маърифат маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2015-1-4 рақамли “Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари” (2017-2018 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади ўсмирларда ислохотларга дахлдорлик фазилатини ривожлантиришнинг назарий асослари ва технологик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Дахлдорлик” тушунчасининг назарий-педагогик мазмунини аниқлаш ҳамда ўсмирларда дахлдорлик фазилатини шакллантириш ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида олиб бориладиган таълим ва миллий ғоя тарғиботи жараёнининг таркибий қисми сифатида асослаш;

ўзбек халқ педагогикаси, мутафаккирларимиз, турли замон ва маконларда яшаб ижод қилган педагог, психолог, социолог, файласуф олимларнинг дахлдорлик мавзусига доир тадқиқотларини ўрганиш;

педагогик амалиётда ушбу жараёни ўрганиш орқали ўсмирларда дахлдорлик фазилатини шакллантиришда мавжуд муаммоларни аниқлаш, илғор тажрибаларни умумлаштириш;

ўсмирларда дахлдорлик фазилатини ривожлантиришнинг назарий асослари ва технологик тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини баҳолаш ҳамда ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчи-мураббийлари учун миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, мавжуд педагогик механизмларини такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида ўсмирларда ислохотларга дахлдорлик фазилати ва юксак маънавиятли шахс сифатларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Жиззах ҳуқуқшунослик коллежидан 335 нафар, Андижон давлат университети қошидаги академик лицейидан 165 нафар, Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежидан 100 нафар, Тошкент

давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги академик лицейининг 150 нафар, жами 750 нафар ўқувчилар жалб этилган.

Тадқиқот предмети ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда академик лицейлар ўқувчи-ёшларида дахлдорлик фазилатини ривожлантириш шакллари, метод, восита ва йўллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида турли соҳа олимларининг мавзуга оид илмий-методик тадқиқот ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, педагог кузатув, семинар-тренинг, сўров, суҳбат, анкета, тест, интервью, математик-статистик таҳлил ва тажриба-синов натижаларини умумлаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсмирларнинг ислохотларга дахлдорлик тўғрисидаги назарий билимларини такомиллаштиришга, амалиётда қўллашга йўналтирилган витаген технологик усуллари очиб берилган;

ёшларда дахлдорлик фазилатининг шаклланишига салбий таъсир этадиган лоқайдлик, дауншифтинг, эскапизм ва бошқа иллатларнинг олдини олишга қаратилган профилактик методика асосланган;

ўсмирларнинг юртимизда олиб борилаётган ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик фазилатини шакллантиришга қаратилган “Ислохотлар билимдони” кўрик танловининг меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб;

ўсмирларда ислохотларга дахлдорлик фазилатининг миллий ғоянинг умуминсоний негизлари асосида очиб берилган педагогик индикаторлар такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўрта махсус профессионал таълим муассасалари мисолида ўсмирларда дахлдорлик фазилатини ривожлантиришнинг назарий асослари ва технологик тизими такомиллаштирилган;

оила, маҳалла ва таълим муассасасининг ўқувчи-ёшларда дахлдорлик фазилатини ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик самарадорлигини ошириш дастурлари яратилган ва амалда фойдаланилмоқда;

лоқайдлик ва бепарволик илллати юқори даражада бўлган ўсмирлар маънавиятини педагогик коррекциялаш усуллари ишлаб чиқилган ва “Бир таҳдидга беш зарба”, “Ижтимоий-педагогик таҳлил”, “Видеотека”, “Ибрат маърифати”, “Дахлдорлар суҳбати” ва “Кинолекторий” номли ижтимоий-маърифий лойиҳалар орқали жорий қилинган;

лоқайдлик, бепарқлик, ўзибўларчилик ва бепарволик иллатларига қарши педагогик-профилактика усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувлар ва тадқиқ этилаётган муаммога фалсафий ҳамда илмий-педагогик ёндашув тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос методлар

мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган таълим муассасалари сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов натижалари таҳлилида статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги ҳамда мавзу юзасидан чоп этилган ишлар мазмунига кўра тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарори, умумий ўрта таълим муассасаларининг I-XI синфлари учун “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, “Динлар тарихи” фанларини бирлаштирган ҳолда “Тарбия” фанини жорий қилиш бўйича амалиётга тадбиқ этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Республикамиздаги ўрта махсус профессионал таълим муассасалари ҳамда академик лицейлар директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, академик гуруҳлар мураббийларига ўз фаолиятлари самарадорлигини оширишда назарий ва методик жиҳатдан ёрдам беради.

“Узлуксиз маънавий тарбия” концепциясининг 55 банди 3 хат бошида белгилаб берилган “Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш” вазифасини амалга оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсмирларда ислохотларга дахлдорлик фазилатини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўсмирларнинг ислохотларга дахлдорлик тўғрисидаги назарий билимларини такомиллаштиришга, амалиётда қўллашга йўналтирилган витаген технологик моделига оид чиқарилган илмий хулосалардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 123-сонли буйруғи асосида ишлаб чиқилган тавсияларда, шунингдек ёшларни давлат рамзларига бўлган ҳурмат, ислохотларга бўлган дахлдорлик туйғуси асосида тарбиялаш, Ватанига халқига, Президентига садоқатли фарзандлар бўлиб вояга етишиши каби фазилатларни сингдириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 мартдаги 126-сонли буйруғи бандларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3989-сон маълумотномаси). Натижада ёшларнинг давлат рамзларига бўлган ҳурмати ва эътиборининг ошиши орқали уларни ҳақиқий ватанпарвар бўлиб вояга етиш тизимининг натижадорлигига эришилган;

ёшларнинг дахлдорлик фазилатини шаклланишига салбий таъсир этадиган лоқайдлик, дауншифтинг, эскапизм ва бошқа иллатларни олдини олишга қаратилган профилактик методиканинг асосланганлигига оид хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошидаги “Республика ёш олимлар кенгаши” ННТ нинг республика илмий мактаблар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида тасдиқланган иш режа материалларида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 11 июндаги 04-13/2706-сон маълумотномаси). Натижада инсонни маънавий-руҳий мудрокликдан уйғотиш, ҳар қандай воқеликка муносабат билдира олиш, унга таъсир кўрсатиш, жамият ва умуммиллий тараққиёт учун жавобгарлик ҳиссини, дахлдорлик туйғусини намоён этиш орқали ўзини ўзи умуммиллий манфаат йўлида йўналтира олиш, сафарбар эта билиш фазилатларининг илмий-методик таъминотини кучайтиришга хизмат қилган;

ишлаб чиқилган илмий-амалий ишланма, дастур, тренинг ва тавсиялар асосида маҳаллаларда, таълим муассасаларида ислоҳотлар натижаларини миллий мафкурамизнинг асосий тамойилларининг рўёби сифатида кенг тарғиб қилиш мақсадида маҳалларарда турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар олиб борилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашининг 2019 йил 11 июлдаги 02-03/441-сон маълумотномаси). Ушбу илмий ҳулосалар асосида ҳар бир ўқувчида миллий мафкурамизнинг асосий ғоялари (Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Ижтимоий ҳамкорлик, Комил инсон, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенглик) ҳақидаги назарий билимлар амалиётда қандай шакллантириш ишларининг натижадорлигига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 та республика, 1 та хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ёш авлода ислохотларга дахлдорлик фазилатини шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий, назарий моҳияти**” деб номланиб, ушбу бобда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ахлоқий тарбиянинг назарий масалалари ҳамда дахлдорлик – мамлакатни ижтимоий-иқтисодий юксалтиришнинг ахлоқий омили сифатида асосланган.

Фуқаролик жамиятини қарор топтириш халқимизнинг маънавий фазилатлари юксалишига боғлиқ. Бироқ глобаллашув шароитида маънавиятга қарши таъсир қилувчи улкан муаммо юзага келмоқда. Терроризм, миссионерлик, диний экстремизм, “оммавий маданият”, гедонизм, эскапизм, дауншифтинг, лоқайдлик, бэфарқлик, ахборот хуружи ва оиланинг глобал инқирози каби иллатларнинг пайдо бўлаётгани шулар жумласидандир. Уларнинг барчасига ёшлар тарбиясидаги камчиликлар, маънавиятнинг қашшоқлашуви сабаб бўлмоқда. Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида дахлдорлик тарбиясига етарли даражада эътибор қаратилмаслиги оқибатида шундай жараён юз бермоқда.

Ана шундай глобал инқирознинг мамлакатимиз ёшларига таъсири мавжуд ва буни ўз вақтида англаб олиш ўта муҳим. Мана шунинг учун ёшларда лоқайдликка қарши дахлдорлик талаб этилади.

“Дахлдорлик” тушунчаси умумий лексик маънода “O'zbekim Dasturlari” таҳририда “кимлигига қарамасдан”, “сўзида турмоқ”, “тегишли бўлиш”, “эътиборга, назарга олиш”, “юз-хотир қилиш, юзидан ўтолмаслик”, “ўз эҳтиромини тасдиқламоқ”, “ўзини ҳурмат қилмоқ”, “ҳурмат қилмоқ”, “ҳар томонлама ҳурмат қилиш”, “ҳурматда бўлиш” шаклларида², инглиз тилида эса бу тушунча complicity³, participat⁴ сўзлари орқали “бирга қилиш”, “иштирок”, “иштирок этиш”, “қатнашчи” маъноларида келади.

Дахлдорлик жиноят ҳуқуқи соҳасида кенг фойдаланиб келинади, яъни, “жиноятга дахлдорлик” тушунчаси мавжуд. Ёки бир нарсанинг бошқа нарсага,

² “O'zbekim Dasturlari” электрон луғат дастури.

³ Инглизча-ўзбекча луғат. 15000 сўз. (Тузувчилар: Ғ.Раҳмонов, А.Аъзамов, Д.Қадирбекова). – Т.: «Talqin» нашриёти, 2014. – Б.62.

⁴ Инглизча-ўзбекча луғат. 15000 сўз. (Тузувчилар: Ғ.Раҳмонов, А.Аъзамов, Д.Қадирбекова). – Т.: «Talqin» нашриёти, 2014. – Б.63

бирор кишининг бошқа кишига нисбатан таъсир кўрсатиши дахл дейилиши, масалан, бир давлат иккинчи давлатга, ёки бир кишининг бошқа киши ҳаётига дахл қилиши шаклларида қўлланилади.

Русча-ўзбекча луғатларда дахлдорлик (относящийся) – тааллуқлилик, тегишлилик, дахл қилмоқ, тааллуқли, деган маъноларда берилган. “Дахлдорлик” тушунчасининг моҳиятини очиб берувчи сўзлардан бири-мудохала (مأدخالاً) бўлиб, араб тилида “аралашини”, бирор ишга аралашувни билдиради. Дахлдорлик фазилатининг зидди бўлган лоқайдлик, эгоцентризм, эскапизм, дауншифтинг ғояларини тарғиб қилувчи тушунчаларни киритиш мумкин.

Лоқайдлик тушунчаси араб тилида бўлиб, аҳамият, эътибор бермаслик, бепарволик, қизиқмаслик, бефарқлик маъноларида келади⁵. Инсоният бошига узоқ-яқин тарихда қанча кулфат, касофат тушган бўлса, одамларнинг ўз ҳаётига, тақдирига лоқайдлиги, бепарволиги сабаб бўлган.

Эгоцентризм [лот. *ego* – мен *centrum* – марказ, *ўрта(лик)*] манманлик ва худбинлик (эгоизм)нинг юқори даражаси бўлиб, у шахснинг фақат ўз қизиқиш доирасида боғланиб қолиши, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашмай, фақат ўз фикрлари ва шахсиятини юқори қўйишидан иборат хислати⁶.

Эскапизм (инглизча *escape* – қочиш, яшириниш, зоҳидлик, таркидунёчилик) ёки одамнинг кундалик ҳаётдан ўз хаёллари дунёсига бош олиб кетиши. Одамнинг реал ҳаётдан қочиши, одамлар билан келиша олмаслиги кўпинча йирик ўзгаришлар, ислохотлар даврида учрайди. Эскапизм фаол ва пассив шаклларда учрайди. Фаол эскапизмда одам кино кўришга, ўйинга ружу қўйиши, алкоголь, наркотикларга, медитацияга берилиши бунга мисол бўлиши мумкин. Пассив эскапизмда эса одамнинг узлатга чекиниши, одамлар орасида яшаб туриб, жамият кадриятларига, мамлакат ҳаётига қизиқмай, муаммоларига бефарқ, дахлдорлик ҳиссидан бегона, ўз хаёлларига чўмиб яшаши мумкин.

Дауншифтинг (инглизча *downshifting*, автомобиль тезлигини пасайтириш, у ёки бу жараёни секинлаштириш, сустлаштириш). Термин “ўзи учун яшаш”, “бошқалар билан боғлиқ мақсадларни рад этиш” фалсафасининг мақсадини ифодалайди. Дауншифтерлар жамият томонидан қабул қилинган кадриятлардан юз ўгирган, умум манфаатларидан, жамият фаровонлиги, тинчлиги каби кадриятлар учун меҳнат қилиш ўрнига ўзи учун яшашни устун қўяди.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. М.: 1981, 436 бет.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. Э ҳарфи. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.

**Ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда академик лицей
ўқувчиларида дахлдорлик фазилатининг диагностик индикаторларининг
шаклланганлик даражасини аниқлаш
ДАСТУРИ**

Дахлдорлик йўналишлари	Дахлдорлик фазилатининг намоён бўлиш даражалари			
	Яққол намоён бўлади	Намоён бўлади	Суст намоён бўлади	Намоён бўлмайди
Ҳуқуқ ва бурчларга дахлдорлик	Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига риоя қилади ва бошқаларни ҳам шунга ундайди	Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига риоя қилади	Билганларига катталар томонидан талаб қилинганида риоя қилади	Ҳуқуқ ва бурчларга лоқайд
Миллий қадриятларга дахлдорлик	Миллий қадриятларга пухта риоя қилади ва буни рағбатлантиради	Миллий қадриятларга риоя қилади	Ҳамма вақт ҳам риоя қилавермайди	Миллий қадриятларга лоқайд
Аждодлар меросига дахлдорлик	Аждодлар меросини пухта билади, тарғиб қилади	Аждодлар меросини яхши билади, қизиқади	Аждодлар мероси ҳақида тушунчалари бор, лекин юзаки	Аждодлар меросига лоқайд
Миллий ғояга дахлдорлик	Миллий ғоя моҳиятини чуқур билади ва тарғиб қилади	Миллий ғояни яхши билади, аммо тарғиб қилмайди	Миллий ғоя ҳақида тушунчаларга эга	Миллий ғоямизга лоқайд
Бузғунчи ғояларга дахлдорлик	Бузғунчи ғоялар моҳиятини чуқур билади, уларга фаол қарши туради, бошқаларни огоҳлантиради	Бузғунчи ғоялар моҳиятини яхши билади	Бузғунчи ғоялар моҳияти ҳақида тушунчаларга эга	Тушунчаларга эга эмас, лоқайд
Ўзбекистоннинг жаҳондаги мавқеи ошишига дахлдорлик	Яхши, пухта билади, доим, ҳамма жойда тарғиб қилади	Яхши билади	Билимлари нотўлиқ	Билмайди, лоқайд
Ватан туйғусига дахлдорлик	Чуқур, ҳаётий ва фаол намоён бўлади	Чуқур, лекин ҳаёт билан боғланмаган, намойиши суст	Туйғуси расмий, юзаки, хулқида намоён бўлмайди	Ватан туйғуси шакллантирилмаган, лоқайд
Ислоҳотларга дахлдорлик	Билади, тарғиб қилади	Билади, фикрларини билдиради	Билади, амал қилмайди	Билмайди, амал қилмайди
Теварак-атрофдагиларга дахлдорлик	Эътиборли, зукко, зийрак, меҳрибон	Эътиборли, аммо бунинг амали суст	Эътибори суст, амалда намоён бўлмайди	Теварак-атрофдагиларга лоқайд
Ўз қишлоғи, маҳалласи тарихи, ҳозир ва келажакига дахлдорлик	Чуқур билади, жамоатчилик ишларида ташаббускор	Яхши билади, аммо амалий ишларда суст	Билади, аммо амалда намоён қила олмайди	Лоқайд

Демак, дахлдорлик фазилати одамнинг ижтимоий мавжудот сифатидаги манфаатларидан келиб чиқиб, ўз функциясини бажариши ёки бажармаслигини белгилайди. Бугунги кунда лоқайдлик туфайли тиклаб бўлмас офат, жиноят, ҳалокатлар содир бўлаётган экан, дахлдорликни ҳар бир ўзбекистонлик ёш йигит-қизнинг етакчи фазилатига айлантириш ўта муҳим ижтимоий педагогик заруратга айланди.

Ўқувчиларда дахлдорлик фазилатининг шаклланганлигини унинг намоён бўлиш тарзлари, шаклларига қараб қайд қилиш мумкин. Биз юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда ушбу фазилатнинг намоён бўлишини кўрсатувчи диагностик индикаторларини ишлаб чиқдик.

Бугунги мафкуравий кураш авж олган бир шароитда ёшларда, хусусан ўтиш даврини бошидан кечираётган, ҳаётда ўз ўрнини эгаллашга киришаётган, мустақил ҳаётга қадам ташлаётган ўсмирлар – ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда академик лицей ўқувчиларида дахлдорлик туйғусини тарбиялаш муҳим ижтимоий-педагогик аҳамият касб этмоқда.

Иккинчи боб **“Ўсмирларда дахлдорлик фазилатини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган бўлиб, унда дахлдорлик фазилатининг ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчилари маънавиятида тутган ўрни, ўқувчи-ёшларда ислохотларга дахлдорликни ривожлантиришнинг мазмуни ҳамда ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида дахлдорлик фазилатини ривожлантириш имкониятлари ёритилган.

Мазкур бобда ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш зарурлиги ўз ифодасини топган.

Дахлдорлик фазилатининг ҳар бир ўқувчи, ўқув гуруҳи, ўрта махсус ва профессионал таълим ҳамда академик лицейларида шаклланганлик даражасини беш даражага бўлиб ўрганиш, баҳолаш ва шу асосда такомиллаштириш амалга оширилди:

– *биринчи даража* - қуйи даража - ўқувчи ўқув гуруҳи дахлдорликнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги билимлардан хабардор эмас; бефарқлик, лоқайдлик муносабатлари кўп учрайди;

– *иккинчи даража* - билимлар бор, лекин улар ҳис қилинмаган, тизимлашмаган, шу сабабли улар ишлатилмайди;

– *учинчи даража* - билимлар мавжуд, лекин улар назарий, ўқувчиларнинг ёши, ҳаётий тажрибасига мосланмаган ва шу сабабли ўқувчиларга қўллашда қийинлик туғдиради;

– *тўртинчи даража* - асосли билимларга эга, дахлдорлик вазиятини тўғри баҳолай олади ва билимларни онгли равишда ишлатади;

– *бешинчи даража* - мукамал билимларга эга ва бу билимларни бемалол доимо ва ҳамма жойда фаол қўллай олади.

Ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда академик лицейларда таълим ва тарбия самарадорлиги, аввало, ушбу таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини ошириш, маънавий дунёсини бойитиш, қизиқишларини оширишни талаб қилади.

Педагогик тажрибаларни умумлаштирган ҳолда биз ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари ва академик лицей ўқувчиларида дахлдорлик фазилатини шакллантиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар сценарийларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқдик (2-жадвал).

2-жадвал

Ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ва академик лицей ўқувчиларида дахлдорлик фазилатини шакллантиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбир сценарийларини баҳолаш

МЕЗОНЛАРИ

Т.р	Мезонлар	Балл
1.	Ҳозирги замон илм-фани эришган натижа, даражага таянилганлиги	
2.	Миллий ғоя вазифаларини таъминлашга йўналтирилганлиги;	
3.	Мавзунинг ҳаёт билан боғлиқлиги;	
4.	Назарий қоидаларни тушунтирувчи мисоллар билан таъминланганлиги	
5.	Билимларнинг кундалик ҳаётда қандай қўлланилишининг кўрсатилганлиги	
6.	Ўсмирларнинг ёш ва интеллектуал имкониятлари ҳисобга олинганлиги	
7.	Ўқувчиларнинг кузатиш, машқ қилиш, мустақил ишлаш, такрорлаш ва рефлексияси учун маълумотлар, саволлар ва кўрсатмалар, имкониятлар берилганлиги	
8.	Тадбир тилининг оддий, образли, тушунарлилиги	
9.	Тадбирларнинг иллюстрация, расм, таблица, инфографика, диаграмма, харита, схема, чизма, иловалар ва витаген тажриба намуналари билан таъминланганлиги	
10.	Мазмуннинг оддийдан мураккабга қаратилган узвийлиги ва узлуксизлиги	

Ҳар бир мезон 0 дан 10 баллгача баҳоланади. Энг юқори баҳо – 100 балл, энг паст баҳо - 0 балл.

Ўқувчи-ёшларда дахлдорлик фазилатини шакллантириш билан боғлиқ педагогик мақсадга эришиш, уларда ушбу фазилат талаб этаётган кўникма ва малакаларини вужудга келтириш, тарбиялаш ва такомиллаштириш узлуксиз, босқичма босқичли, мураккаб жараён дур. Шу сабабли дахлдорлик тарбиясини илмий асосда ташкил қилиш масаласи педагоглар малакасини ошириш тизими мазмунига ҳам ўзгартиш ва янгиликлар киритишни тақозо қилади.

“Ўсмирларда дахлдорлик фазилатини ривожлантириш тизимининг самарадорлик даражаси” деб номланган учинчи бобда маънавий-маърифий ишлар жараёнида дахлдорлик фазилатини шакллантиришнинг дидактик хусусиятлари, тамойиллари, интерфаол методлари ҳамда самарадорлиги ва статистик таҳлили баён қилинган.

Ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни:

- расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан;
- кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда;
- ўсмирларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг кайфиятини кўтарадиган;
- янги марралар сари илҳомлантирадиган;
- халқчил ва таъсирчан руҳда;
- янги ижодий кучларни, истеъдодли ёшларни жалб этган ҳолда ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш вазифаси юклатилади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда академик лицей ўқувчиларида миллий ғоя рўёбига дахлдорлик фазилатини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ўрганиб чиқилди.

Шуни таъкидлаш керакки, нафақат ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларида, балки барча таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларда дахлдорлик туйғусини ривожлантиришга оид маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишнинг бой имконият ва шарт-шароитлар мавжуд. Ушбу тадбирларнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш жараёнида ўқувчиларда дахлдорлик туйғусини шакллантириш мақсадини киритиш ва шу мақсадга эришиш учун барча имкониятларни аниқлаб дахлдорлик фазилати шаклланганлик даражасини илмий мезонлар асосида ривожлантиришга катта эътибор қаратишимиз лозим.

Тажриба-синов ишларига Жиззах ҳуқуқшунослик коллежидан 335 нафар, Андижон давлат университети қошидаги академик лицейидан 165 нафар ва Тошкент шаҳридан, Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежидан 100 нафар, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги академик лицейининг 150 нафардан жами 750 нафар 1-ва 2-босқич ўқувчилари жалб этилди.

Тажриба-синов ишлари давомида ўрта махсус ва профессионал касб-хунар таълими ҳамда академик лицей ўқувчиларида дахлдорлик фазилатини шакллантиришнинг намунавий ўқув-тарбия курси ишлаб чиқилди. “Маънавий асослари”, “Тарих”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Дунё динлари тарихи” каби бир қатор ижтимоий-гуманитар фанларда эришган ютуқлар ва услублар ўрганилиб, ривожлантирилди. Ўқув-тарбия курсининг ҳажми 20 соатни ташкил қилади.

3-жадвал.

**«Ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда академик лицей ўқувчиларида дахлдорлик фазилатини шакллантириш»
намунавий ўқув-тарбия курсининг ҳажми**

	Машғулот тури	Ажратилган соат	Семестр
	Мулоқот	8	3
	Мустақил иш	4	3
	Тақдимот	8	3
	Назорат	Яқуний мониторинг	3
	Жами:	20	

Махсус курсни ўқитишда анъанавий услублар билан бир қаторда, экспресс сўровлар, тест сўровлари, дастурий ўқитиш, тренинг, тақдимот, давра суҳбатларини ўтказиш, муаммоли ўқитиш, техник воситаларни қўллаш, экскурсия, ўқув, кинолекторий ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ҳар бир ўқувчи ҳақида тавсифномалар тайёрланиб, умумлаштирилди. Синов ва назорат гуруҳларида бир хил сўровномалар ўтказилди. Иккала тоифадаги гуруҳлардан олинган маълумотлар ўрганилди. Математик-статистик ишлаб чиқилди ва улар ўзаро таққосланди. Таққослашлар тажриба гуруҳлари талабалари яхшироқ натижаларга эришганлигини тасдиқлади.

Биз ўқувчиларнинг дахлдорлиги нафақат фикр, сўзда, балки амалий хатти-ҳаракатларда намоён бўлишига эришишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратдик. Бу мақсадга эришиш, айниқса, ҳозирги моддий ва маънавий қадриятлар уйғунлиги талаб этилаётган бир пайтда аксарият мамлакатларда моддий бойликнинг маънавий бойликка нисбатан устувор бўлиб бораётган бир шароитда олиб боришга тўғри келди. Шу муносабат билан мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўзида фуқаролик жамияти аъзоларига хос етакчи фазилатлар бўлган дахлдорликни ривожлантириш баркамол шахсни

тарбиялаб етиштириш технологияси намуналари ишлаб чиқилди. Бунда биз ўқувчиларда ўз фуқаролик бурчларини чуқур англашга, ватанпарварликка, ўз Ватани, халқи, маҳалласининг бугуни, эртанги куни учун ўзини дахлдор деб ҳисоблашга ўргатишга алоҳида эътибор қаратдик.

Олинган маълумотлар таҳлиliga кўра тажриба гуруҳларида ўтказилган тадбирларнинг самарадорлигини кўрсатди ва биз тавсия этган ҳамда қўллаган тавсиялар ижобий натижа берганига ишонч ҳосил қилдик.

Тажриба натижаларининг ижобийлиги математик-статистик таҳлил маълумотлар билан тасдиқланди.

$$X^2 = \sum_{k=1}^m \frac{(V_k - P_k)^2}{P_k}$$

Бу χ^2 (хи - квадрат) мезон бўйича қуйидагича аниқланади.

P_k – тажрибагача кузатилган натижалар ;

V_k – тажрибадан сўнг кузатилган натижалар;


m – гуруҳлардаги ўқувчиларнинг умумий сони.

M	1	2	3	4	5
X_k	25	24	20	26	30

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{k=1}^n X_k \quad \bar{X} = \frac{1}{10} \sum_{k=1}^{10} X_k = \frac{125}{10} = 12,5$$

Демак, ўртача арифметик қийматининг 12,50 эканлигини кўриш мумкин. Бундан $X \approx 3,2$ бўлиб $T_{куз} > T_{кир}$ эканлиги тадқиқот ижобийлигини тасдиқлайди.

Бизнинг тадқиқотимиз ўсмирларда дахлдорлик фазилатини шакллантиришда улар эгаллаган билимлар асосида муайян витаген(ҳаётий) вазиятлар яратиш орқали муайян кўникма ва малакаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишнинг самарадорлиги аниқланди:



1-расм. Ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллиги 1-3 тур тажриба синов натижалари

I ва II босқич якуни бўйича солиштирма жадвал

Турлар	I босқич якуни (%)	II босқич якуни (%)	Фарқи (%)
1-тур	11%	71%	+60%
2-тур	24%	53%	+29%
3-тур	18%	47%	+29%
Ўртача	18%	57%	+39%

Натижада, қуйидаги вазифаларни алоҳида ўрганиш юқорида ўтказилган тажриба синов натижасининг 39% ўсишига олиб келди. Бунинг учун:

- ўқувчиларни ижтимоий фаол шахсга айлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- ушбу жараёни ўрганиш орқали талабаларда дахлдорлик фазилатини шакллантиришда мавжуд муаммоларни аниқлаш, ноанъанавий тажриба усулларини қўллаш;

- ўқувчиларда дахлдорлик фазилатини ривожланганлик даражасини, мезонларини ва шакллантиришнинг методикаларини ишлаб чиқиш;

- дахлдорлик тарбиясида витаген тажрибалардан фаол фойдаланиш;

- таълим муассасаси ўқитувчи-мураббийлари учун миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар, электрон ўқув дастурларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш ишларини жонлантириш талаб этилди.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги муайян назарий ва услубий педагогик хулосаларни шакллантиришга асос бўлди:

1. Умуминсоний маънавий инқирознинг сабабларидан бири турли сабабларга кўра инсонларда дахлдорлик ва маънавий етуклик таъминланмаганида, шунингдек, ижтимоий-педагогика шу пайтгача дахлдорлик масаласини ўз предметига айлантира олмаганлигида ва бунинг натижаси ўлароқ, лоқайдлик ва бефарқлик кенг тарқалаётганлиги намоён бўлади.

2. Бефарқлик ва лоқайдлик халқимизнинг миллий тарбиявий кадриятларига бегона иллатлардир. Яъни қаерда дахлдорлик тарбиясига лоқайд қаралар экан, ўша ерда ўқувчи-ёшлар маънавияти, хулқида дахлдорлик сусайиб, лоқайдлик, эгоцентризм, нигилизм кучайиб боради. Биз фарзандларимизни ана шундай кишиларга айланиб қолишдан асрашимиз лозим бўлади.

3. Дахлдорлик фазилати ҳозирги ва келажак авлодларда мустаҳкам тарбияланиши ва ўзининг ишончли самараларини бериши учун тарбиянинг ушбу йўналиши ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида мақсадга йўналтирилган устувор тарбия йўналишига айлантирилишини тақозо этади. Дахлдорлик тарбияси стратегиясини белгилашда ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда академик лицейларда мавжуд педагогик, маънавий-маърифий ресурсларни илмий-педагогик ўрганиш, мазкур тизим муассасаларида маънавий-маърифий, ғоявий тадбирлар ўқувчи-ёшларда дахлдорлик фазилатини шакллантиришнинг бой имкониятлари мавжуд эканлигини кўрсатди.

4. Ўқувчиларда дахлдорлик фазилатини шакллантиришда илмийлик тамойили алоҳида аҳамият касб этади. Илмий-технологик ёндошув тамойили биринчидан, илмий ютуқлар, яъни бугунги кунда ижтимоий-гуманитар фанлар эришган билимларни эгаллашлари, иккинчидан, ижтимоий-ғоявий ҳаётнинг барча соҳаларида дахлдорлик фазилатини ривожлантиришни илмий-амалий асосда ташкил қилишга замин яратади.

5. Дахлдорлик фазилатини ривожлантиришда витаген тажрибаларга таяниш, ҳаёт билан чамбарчас боғлаш орқали тарбия ва таълимнинг кундалик ҳаёт, Ўзбекистон халқининг “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ғоясини рўёбга чиқариш билан чамбарчас алоқаси таъминланди. Бу – дахлдорлик фазилатининг ҳаққонийлигини, ҳаётийлигини кўрсатди.

6. Таълим муассасаси, оила, маҳалла, турар жойлар, мактабдан ташқари муассасаларнинг ижтимоий ҳамкорлиги – дахлдорлик тарбияси самарадорлиги шартларидан бири эканлигини кўрсатади.

7. Ўқувчиларнинг ёш, миллий, маҳаллий, руҳий, жинсий, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш ва тарбияланганлик мезонлари, даражаларининг амалиётга жорий қилиниши ҳам бевосита дахлдорлик фазилатининг самарадорлик даражасини белгилайди.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.01.2020. Ped.02.06 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ ЦЕНТР ДУХОВНОСТИ И
ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВА**

ШЕРМАНОВ ЭЛДОР УРАЛОВИЧ

**РАЗВИТИЕ У ПОДРОСТКОВ КАЧЕСТВА
ПРИКОСНОВЕННОСТИ К РЕФОРМАМ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.PhD/Ped284.

Докторская диссертация выполнена Республиканский центр духовности и просветительства
Автореферат диссертации помещен веб-сайте Научного совета (www.samdu.uz) и информационном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Куронов Мухаммад доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Чариев Абдушукур Чариевич доктор педагогических наук, профессор
	Асқаров Аброр Давлатмуродович кандидат педагогических наук
Ведущая организация:	Ташкентская государственная педагогическая университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета под номером PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 при Самаркандском государственном университете, который состоится «___» _____ 20 в _____ ч. Адрес: 140104, Узбекистан, город Самарканд, Университетский бульвар, дом №15. Тел.: (99866) 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован под номером___). Адрес: 140104, Узбекистан, город Самарканд, Университетский бульвар, дом №15. Тел.: (99866) 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40.

Автореферат диссертации распространен «___» _____ 2020 года
протокол реестра под номером _____ года

Х.И.Ибраимов

Председатель учебного совета,
присуждаемый степени, д.п.н., профессор

Ш.Ураков

Ученый секретарь ученого совета,
присуждаемый ученой степени, д.ф.п.н (PhD)

Н.Ш.Шодиев

Председатель научного семинара
при ученом совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Все более ускоряющиеся в мире процессы глобализации требуют создания научно-педагогических решений формирования гражданского общества, формирование прикосновенности подрастающего поколения к реформам, стимулирование их к социальной активности, идеологической боевитости. В связи с этим научное обоснование посредством социально-педагогического анализа формирования качества молодежи по отношению к изменениям, происходящим в стране, жизни, реформам, постоянно быть осведомленным к различным угрозам, дорожить истинные ценности, отделение национальной культуры от “массовой культуры” и посредством этого формировать духовность и мировоззрение человека стало актуальной задачей.

В исследованиях, проводимых в Международных организациях, в том числе в Шанхайской организации сотрудничества, Совете безопасности ООН, ведущих мировых научно-исследовательских, а также в образовательных учреждениях вопросы по повышению прикосновенности, осведомленности, бдительности занимают ведущее место. По данному вопросу систематически проводятся исследования в международном центре исследований и крупных мировых научно-исследовательских институтах. А это непосредственно связано с разработкой научных решений осуществления перспективных направлений по научным педагогическим исследованиям по развитию навыков подростков в социальном активном отношении к событиям и явлениям общества.

В стране осуществляются системные работы, направленные на широкую пропаганду приоритетных направлений, как содействие молодому поколению в отношении физического, интеллектуального и нравственного развития, воспитание их в духе уважения к законам, национальным и общечеловеческим ценностям. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан обозначены приоритетные задачи как «воспитание физически здоровой, психически и умственно развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине, имеющую устойчивую жизненную позицию молодежи, повышение их социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества». В результате усовершенствованы теоретические методические работы по развитию в подростках качества прикосновенности к реформам в повышении чувства прикосновенности к событиям, происходящим вокруг, последовательной борьбе с прогрессиями, которые могут вызвать опасность мирной жизни.

Данное в определенной степени послужит осуществлению задач, установленных в Законе Республики Узбекистан “О государственной молодежной политике” от “номерація” 14 сентября 2016 года, Указе Президента Республики Узбекистан “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” за №УП-4947 от 7 февраля 2017 года,

Постановлении Президента Республики Узбекистан “Поднятие на новый этап эффективность духовно-просветительских работ и развитие сферы” за №ПП-3160 от 28 июля 2017 года, Указе Президента Республики Узбекистан “О дополнительных мероприятиях по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования” за №УП-5812 от 6 сентября 2019 года, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан “О мерах утверждения и осуществления концепции непрерывного духовного воспитания” за №1059 от 31 декабря 2019 года, а также в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование диссертации выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Вопрос прикосновенности отражается в произведениях Восточных мыслителей Алишера Наваи, Абу Наср Фараби, Махмудхаджи Бехбуди, Абдурауфа Фитрата, Абдуллы Авлани, Абдуллы Кадры, а также в устном народном творчестве. Аспекты темы, связанные с теорией национальной идеи, истории, духовно-просветительскими, философскими, политическими основами и её пропагандой, изучены в исследованиях К. Назарова, Н. Камилова, М. Куранова, А. Ачилдиева, С. Мамашакирова, М. Артикова, А. Халбекова, В. Каримовой, А. Эркаева, С. Алимова и других.

